O'zingni angla!

# HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2010-yil 5-may, chorshanba ● № 19 (670) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

### БАҲОРДА ҲАР ЯПРОҚ — БИР ВАРАҚ КИТОБ



**_Одамлар бўладики, улар дунёдан жисман ўтсалар-да, кўп йиллар давомида авлодлар онгида муҳрланиб қолади. Уларнинг пурҳикмат сўзлари, ибратлари ҳаётнинг баланд-паст сўқмоқларидан ўтаётганимизда, тақдир синовларига учраганимизда асқотади._**

⇨ 3-бет

### ҲАЯЖОНЛИ ЛАҲЗАЛАР ОЛДИНДА



**_Бу йилги танловда 450 нафардан ортиқ журналист олти минг етти юзга яқин ижодий иш билан иштирок этмоқда._**

**_Танлов ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими жорий йилнинг 14 май куни «Туркистон» саройида бўлиб ўтади._**

⇨ 4-бет

### ЭРТАК АЙТИБ БЕРАЙМИ?



**_Замон шиддат билан айланаверади. Эртаклар эса авлодлар ардоғида яшайверади. Улар гўё бошқа оламдан учиб келган поклик хабарчиси бўлган илоҳий қушлар каби қадрлидир._**

⇨ 8-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ 30 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси арафасида Оқсаройда ОТБ президенти Харухико Куродани қабул қилди.

ОТБ президенти Х.Курода самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорчилик билдириб, ОТБ иқтисодиёт ва ижтимоий тараққиётнинг турли соҳаларида Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва ривожлантиришдан ғоят манфаатдор эканини алоҳида таъкидлади.

■ Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вице-президенти Филипп Ле Уэйруни қабул қилди.

Мулоқот чоғида қўшма лойиҳалар ижросига, Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

■ 3 май куни "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши 43-йиллик мажлисининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизнинг Осиё тараққиёт банки билан кенгайиб бораётган ҳамкорлик алоқаларини юксак қадрлаймиз, сўнгги йилларда ҳам кредит портфели ҳажми бўйича, ҳам Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик доирасида етакчи халқаро молия институтига айланган мазкур банк муҳим стратегик шерикларимиздандир, деб таъкидлади.

■ Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси молия вазири Се Сюйжэнни қабул қилди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Шунингдек, Президентимиз Оқсаройда Япония бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Наото Канни қабул қилди.

Суҳбат чоғида ОТБнинг Тошкентда ўтаётган халқаро анжумани минтақавий ва халқаро аҳамият касб этадиган долзарб муаммоларни муҳокама қилиш, сармоявий соҳада ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун яхши имконият экани қайд этилди.

■ 4 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Жаҳон божхона ташкилоти Бош котиби Кунио Микурияни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Жаҳон божхона ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

■ Шу куни давлатимиз раҳбари Оқсаройда Корея Республикаси стратегия ва молия вазири Чжин Хён Юнни қабул қилди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

## Инсонийликни улуғлаш фалсафаси

**_«Хотира ва қадрлаш деганда, биз аввало, ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларимизни улуғлашни назарда тутамиз». Юртбошимиз ушбу сўзларни бундан ўн икки йил муқаддам Тошкент шаҳри марказида бунёд этилган Хотира майдонининг очилиш маросимида, республикамизда Хотира ва қадрлаш куни илк бор нишонланган тадбирда айтган эдилар._**

Шундан буён хотира ва қадр тушунчалари янгича мазмун касб этиб, миллий қадриятларимиз кўламини кенгайтирди, умумбашарий анъаналар қаторидан муносиб ўрин олди.

Хотира майдонидаги ёдгорлик мажмуасининг марказида юртимиз қадриятларига уйғун ҳолда Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилган.

Мангу ёнаётган олов қаршисида дард ва ўйга чўмган мўътабар она тимсоли. Жудолик изтиробидан унинг боши эгик, юзида сўлғинлик. Аммо кўнглида умид ва ишонч бутунлай сўнмагани маъсума нигоҳида аён бўлиб турибди. Бир қарашда, у жангга кетган жигаргўшасининг ёди билан яшаётган онадек туюлади. Лекин аслида-чи?



У халқимизнинг асрлар давомида орзу қилиб, интилиб келгани — Ҳуррият ва Озодлик йўлида жонини тикган халқ қаҳрамонлари, миллатимиз фидойиларининг оналари, аёллари рамзидир.

Биз бугун миллатимизнинг узоқ асрлар давомида отилган, қамалган, сургун қилинган, ноҳақ айбланган юртпарвар фарзандлари шаънини улуғлаш асносида тарих қатларидан сабоқ ва ҳикмат оламиз. Ўтмишимизнинг олис йўлларида из қолдирган инсонлар хизматини эътироф этиб, юртимиз равнақи учун муносиб ҳисса қўшаётган бугунги замондошларимизни қадрлаймиз.

Мутахассислар томонидан Иккинчи жаҳон урушида жанг майдонларидан қайтмаган 530 минг нафар баҳодирнинг исм-шарифи, уларга доир зарур маълумотлар аниқланиб, кўп жилдли "Хотира китоби"га мангуга битилди.

Сўлим баҳор бор бисотини кўз-кўз этаётган шундай шукуҳли кунларда умуминсоний ва миллий қадриятларимиз шоҳсупасига айланган Хотира майдони ҳар қачонгидан-да гавжум. Ёши улуғлар отаси ёки акасининг исмини кўриб, уруш даҳшатини эл бошига солганларга лаънат десалар, ёшлар бу ерда номлари зикр этилганларни ўз даврининг қаҳрамонлари сифатида тасаввур этадилар ва эл-юрт осойишталиги йўлида жонини фидо қилганлар замонлар ўтса ҳамки, унутилмаслигини ич-ичларидан ҳис этадилар. Исм-шарифи бу рўйхатлар қатига муҳрланганлар тимсолида тирикликнинг чинакам қадр-қимматини, инсонийликнинг оддий ҳақиқатини англайдилар.

**Мамлакат НОРМУРОДОВА**

**Харухико КУРОДА:**

## ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ ЮКСАК ҚАДРЛАЙДИ

*Халқаро бизнес-марказда Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Куроданинг ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг 1-4 май кунлари Тошкентда ўтган 43-йиллик мажлиси якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.*

Осиё тараққиёт банки президенти Ўзбекистон раҳбариятига ОТБнинг Тошкентдаги форуми юксак савияда ташкил қилингани ва уни ўтказишга яхши тайёргарлик кўрилгани ҳамда тадбирнинг самарали ўтишига ёрдам бергани учун самимий миннатдорлик изҳор этди. ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг бу йилги мажлисида Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатларининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан самарали чиқиши ва инқироздан кейинги ривожланиши билан боғлиқ қисқа, ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган долзарб масалалар кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда.)



**Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилади.**

МУЛОҲАЗА

## Баён эмас, таҳлил зарур

*Иқтисодий мавзуда мақола ёзиш, баъзилар наздида, жуда зерикарли юмушдай туюлади. Ғиж-ғиж рақамлар, бир қарашда, идорадаги ҳужжатлардан кўчирмага ўхшайди. Хўш, аслида ҳам шундайми? Гап танланган мавзуга қандай ёндашишда. Аслида иқтисодий ислоҳотларни жорий этиш, бу йўлдаги курашлар бениҳоя мароқли, қизиқарли жараён ҳисобланиб, улар тўғрисида таъсирли сўзлар айтиш учун, аввало, муаллифнинг ўзи юраги "жиз" этгулик даражада иштиёқ билан қўлга қалам олиши лозим.*

Мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантириш, иқтисодий ислоҳотлар жараёнларини барча қизиқиб ўқийдиган даражада таҳлил эта билиш учун биринчи шарт — шу Ватанга чин кўнгилдан меҳр қўйиш талаб этилади. Юртимиздаги катта-кичик корхоналарда меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, пировардида аҳоли фаровонлигини яхшилаш борасида қанча-дан-қанча ижобий тажриба тўпланиб боради. Агар эътибор қилинмаса, шу тажриба ўша жойда қолиб кетиши, ундан бошқалар баҳраманд бўлмаслиги мумкин.

Баъзан иқтисодий мавзудаги мақолаларда ўқиб қоламиз: "Корхона йилни фалон миллион сўмлик соф даромад билан якунлади". Хўш, нима бўлибди, деб савол қўйсангиз, "Сизнингча, бу мақтовга сазовор натижа эмасми?", — дея эътироз билдиришади. Тўғри, мақтовга сазовор, лекин қуруқ мақтангандан кимга фойда? Агар ўша ижобий натижага нималар ҳисобига эришилгани, қандай тадбирий чоралар кўрилгани хусусида, даромад салмоғини оширишда иш берган усуллар ҳақида сўз юритилса, бу тажриба кўпчиликнинг мулкига айланарди.

Илгари қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган агротехник тадбирлар — ер ҳайдаш, далани экишга тайёрлаш, уруғ қадаш, чигитни ундириб олиш, яганалаш, суғориш, ўғитлаш, парваришлаш, чилпиш, ҳосилни йиғиб-териш каби юмушлар қадамба-қадам туман, вилоят ва республика матбуотида ёритиб бориларди.

4 »

НУҚТАИ НАЗАР

*Бугун глобаллашув жараёнида жамики инсоният иштирок этаётган бўлса-да, у айнан ёшлар иштирокида кенг қамровли аҳамият касб этмоқда. Чунки глобаллашув туфайли эришилган ютуқлар ва бизга умуман керак бўлмаган "оммавий маданият" динамик характерда бўлиб, уни тарқатиш воситалари — замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, интернет ва компьютер тизимлари тезликни талаб қилади ва бу имконият кўпроқ ёшларда мавжуд. Қолаверса, ушбу тизимларнинг фаолиятига бўлган қизиқиш ҳам ёшларда кўп учраяпти.*

## Глобаллашув жараёнида интеллект ва маънавият

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио, телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди".

Дарҳақиқат, тан олиш керак, кечаги дунёқараш бугунга тўғри келмайди. Кеча резина ғилдиракни темир дастакга қистириб чопиб юрган болалар билан бугунги шу ёшдаги болаларни бир таққослайлик. Бугунги болажонлар дастурлашган компьютерларни бошқармоқдалар.

7 »

ТАЪЛИМ

## ТИЛ ЖИЛОСИ

*Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида қарийб ўн беш йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган 77-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернат вилоятда жаҳон тилларини ўргатиш бўйича ягона ўқув маскани ҳисобланади. Мактаб-интернатнинг ўқитувчилар жамоаси ҳам иқтидорли, ижодкор мутахассислардан ташкил топган. Бу фикримизни ҳар йили ўқув даргоҳини битириб чиқаётган ёшларнинг 85-90 фоизи республикамиздаги олий ўқув юртларига ўқишга киришаётгани ҳам тасдиқлайди. 2008 йилда олтмиш икки нафар, 2009 йилда эллик саккиз нафар ўқувчи олий ўқув юртларига қабул қилинди.*

— Бирон халқнинг руҳий дунёсини билмоқчи бўлсанг, унинг тилини ўрган дейишади, — дейди мактаб-интернат директори Тўхтасин Қиёмов. — Лекин ундан аввал ҳар бир инсон ўз она тилини мукаммал ўрганиши керак. Зеро, ўз миллатининг тарихи, тили, маданиятини пухта ва мукаммал билмай, ўзга халқлар тилини ўрганиб бўлмайди.

Мактаб-интернатимиз ҳақида тўхталадиган бўлсам, у 1996 йилдан буён жаҳон тиллари йўналишида фаолият кўрсатаяпти. Ўтган давр мобайнида юзлаб иқтидорли мутахассисларни тайёрладик. Улар бугун жаҳон миқёсида ўзбек халқининг тарихи, урф-одатлари, анъаналарини фахр билан хорижликлар тилида сўзлаб, мадҳ этишаяпти.

1996-2009 ўқув йиллари давомида мактаб-интернатимиз эришган ютуқлар нафақат туман, ёки вилоятда, балки мамлакатимизда, ҳатто хорижий юртларда ҳам ўз нуфузига эга, дея фахрланиш мумкин.

Мактаб-интернат мураббийлари жаҳон тиллари йўналиши бўйича хорижда ўқиб келган, ўқиётган ва илмий изланишлар олиб бораётган собиқ ўқувчилар номини фахр билан тилга олишади. Масалан, Жаҳонгир Йўлдошев, Санжар Ниёзов Америкада, Фазлиддин Ўтаганов, Ваҳоб Кенжаев Германияда, Рустам Омонов Японияда, Озод Дўстёров Хитойда, Жўрабек Ашуров, Комил Сатторов Туркияда, Санжар Бобожонов ва Жасур Холматов Бирлашган Араб Амирликларида ўзларининг назарий ва амалий билимларини оширмоқда.

2 »

# БАЁН ЭМАС, ТАҲЛИЛ ЗАРУР

*(Бошланиши 1-бетда.)*

Айтайлик, газетанинг апрель сонларидан бирида "Парвариш қизғин" сарлавҳасида босилган хабардаги жараён май, июнь, июль, август ойларида ҳам давом этиши мумкин эди. Бир вақтлар газеталар саҳифасини тўлдирган бундай хабарлар эндиликда "Хўш, нима бўлибди?" — деган савол билан аҳамиятини йўқотмоқда. Деҳқон даладаги ишини газета хабарисиз ҳам бажараверади. Журналист эса ўша деҳқон қандай янгиликларни жорий этаётганини, бугунги давр талабларига қандай муносабат билдираётганини қаламга олиши мақсадга мувофиқдир. Давлатимиз раҳбари журналистлар билан учрашувлардан бирида қаламга олинган мавзунинг моҳиятини лўнда, ифодали, таъсирчан шаклларда очиб бериш лозимлигини жуда ўринли таъкидлаган эдилар. Дарҳақиқат, журналист мақола ёзишдан олдин ўзига ўзи савол бериши керак: "Оқ қоғозни қоралаб, газетхоннинг вақтини олар эканман, унга қандай янги гап айтмоқчиман?" Ҳамма билган сўзларни шунчаки қайд этиш ижодий маҳорат белгиси эмас. Сиз ёзган сатрларни кўз нури сарфлаб ўқиган газетхон ўзига бирор нарса олсин, бошқача айтганда, ундан баҳраманд бўлсин.

Тажрибали ҳамкасбимиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Меҳли Сафаров қизиқ бир воқеани гапириб берди. Бир қишлоқда тумонат одам тўпланиб, қандайдир қизғин масалани муҳокама қилишаётган экан. Баҳс, мунозара, донишманд кишиларнинг ўгитлари янграётган бир пайтда одамлар орасидан кимдир: "Менга ҳам сўз беринглар, мен ҳам гапирай", — деб бор овозда бақирибди. Анжуманни бошқараётган оқсоқол "Муҳим гапи бўлса керак" деган хаёлда унга сўз берибди. Ҳалиги одам ён-атрофга қараб: "Мен ҳам шу ерда борман демоқчи эдим", — дебди-ю, сўзини тугатибди. Одамларнинг бу гапдан ҳафсаласи пир бўлибди. Агар журналист ҳам шунчаки борлигини кўрсатиш учун чиқиш қилса, газетхонни ўзига жалб этолмайди.

Мустақиллик шарофати билан катта ютуқларга эришдик, деган сатрларни кўп ўқиймиз. Шу ифода тўғрими? Тўғри, лекин тўлиқ эмас. Бундай хулосага келиш учун ҳаётий мисоллар, ёрқин таққослар келтирилса, янада ишончли чиқади. ҳаётда ҳеч нарса хамирдан қил суғургандай осон ҳал бўлмайди. Бу ҳақиқатни ҳис қилиш учун аввалги шарт-шароит қандай эди, ҳозирги аҳвол қай даражага кўтарилган — шуларни холисона солиштириш керак. Минтақамиздаги қўшни давлатлар билан таққосласак, Ўзбекистоннинг мавқеи яққол намоён бўлади. Бундай тафовутларни таъкидлаш орқали ўзимизни ўзимиз мақташ эмас, балки ҳар бир фуқаро қалбида эртанги кунга ишончни мустаҳкамлашдек муқаддас мақсадга эришишни кўзлаймиз. Ҳар қандай юксак марралар фақат комил ишонч орқали забт этилади.

"Халқ сўзи" саҳифаларида мунтазам бериб борилаётган "Бир рақам шарҳи" рукни остидаги ихчам таърифларда иқтисодиётимизда қўлга киритилган муайян кўрсаткични ифодаловчи бир рақам тилга олиниб, унга нималар ҳисобига эришилгани лўнда жумлаларда шарҳланади. Демоқчимизки, шу қисқа таърифларда ҳам мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларнинг мағзи, моҳияти ифода этилган.



Март ойининг бошларида "Ўзэкспомарказ" павильонларида инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси бўлиб ўтди. Бутун жамоатчиликнинг эътиборида турган ушбу тадбирни мамлакатимиздаги барча марказий нашрлар у ёки бу даражада ёритди. "Ўзбекистон овози" газетасининг 4 март сонида чоп этилган "Инновацион ғоялар — тараққиёт асоси" сарлавҳали мақола ушбу мавзу моҳиятини ёрқин очиб берган лавҳалардан бири бўлди. Ярмаркадан мақсад, ҳаётимиздаги янги ғоялар рўёбини кўрсатиб бериш эканлиги барчага маълум. Мақола муаллифи Ш. Йўлдошеванинг мароқ билан ҳикоя қилишича, ярмаркадаги экспонатлар ичида бир қарашда оддий кўринган ҳасса ҳам бор экан. Етмиш етти сантиметрлик ҳасса бор-йўғи уч юз грамм оғирликка эга. У кекса ва бемор инсонларнинг бемалол ҳаракатланишига ёрдам беради. Ҳасса тутқичида аптечка, радиоприёмник ва эшитиш мосламаси жойлашган. Шунингдек, ҳассага сирена ўрнатилиб, у "SOS" тугмачасига уланган. Эҳтиёж туғилганда, масалан, йиқилиб тушганда ёки касаллик хуруж қилганида, ҳассанинг эгаси милицияга ё "Тез ёрдам"га осонгина сигнал юбориши мумкин — ҳассанинг ушбу хизматлар пультига улаб қўйилгани ана шундай имкониятни беради.

Мазкур мақолада пилладан ипак тола олишнинг мукаммал ускунаси, пишиқ ғишт ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, муқобил энергия усулларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича қандай натижалар қўлга киритилаётгани қаламга олинади. Фақат бугина эмас. Газета инновацион ғояларни жадал татбиқ этиш учун нима қилиш керак, деган саволни кўндаланг қўйди ва ярмарка иштирокчиларининг сўзи орқали ушбу таклифни илгари суради: "Интеллектуал мулкдан фойдаланиш бўйича ҳуқуқий майдон такомиллаштирилиши керак. Фаолиятимиз жараёнида бу соҳада ҳуқуқий асосларнинг мустаҳкам эмаслиги сезиляпти".

Хоразм ўз бағрида кўп асрлик тарихни асраб келган заминдир. Агар унинг буюк ўтмишига ҳамду сано айтсак-ку, бугуни ва эртасига назар ташламасак, мантиқдан бўлмайди. "XXI аср" ҳафтаномасининг 28 февраль сонидаги "Хоразм: кеча, бугун, эртага" мақоласида воҳа халқ хўжалигида эришилаётган натижалар муқояса усулида таҳлил қилинади. Ўтган йили вилоятда 59192 та янги иш ўрни яратилибди. Бир йил олдинги кўрсаткич 37111 та бўлган. Ўсиш яққол кўриниб турибди. Тадбиркорларнинг ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасидаги улуши 67,4 фоизни ташкил қилган. Ичимлик сув тармоқларини ривожлантириш режаси 207 фоиз бажарилган. Бу рақамлар Хоразмда иқтисодий ислоҳотларнинг нақадар изчил амалга оширилаётганидан дарак беради. Ютуқлар омили ҳақида мазкур мақолада келтирилган қиёсий таҳлиллар муфассал ҳикоя қилади.

"Адолат" газетаси саҳифаларида журналист Намоз Саъдуллаевнинг "Фазилатли юрт, фазилатли халқ фарзандларимиз" номли туркум мақолалари берилди. Мазкур туркумдаги материаллардан бири "Ёш оилаларга янги уй-жойлар" (26 март) деб аталади. Унда давлатимиз раҳбарининг ёшларга ғамхўрлиги бўйича изчил сиёсат динамикаси ипга тизилган маржондек яққол ифода қилинади. "Баркамол авлод йили" давлат дастуридаги тегишли банд ижроси мамлакатимизнинг турли минтақаларида қандай амалга оширилаётгани ҳаётий мисоллар орқали кўрсатиб берилган.

Афсуски, юртимизда шундай даврий нашрлар ҳам борки, бир ойлик тахламини варақласангиз, иқтисодий мавзуда ўқишли бирон мақола топилмайди. Онда-сонда учраб қоладиган чиқишлар идора маълумотномасидан фарқ қилмайди.

Янги асрга қадам қўйганимизга ўн йил бўляпти. Демак, жорий йил якунида эришадиган натижаларимиз XXI асрнинг биринчи ўн йиллигини якунлайди. Иқтисодий мавзуга ихтисослашган ижодкорларимиз йил якунланиши билан тарих саҳифаларини нурли сатрлар ила безайдилар, деб умид қиламиз.

**Шухрат ЖАББОРОВ,**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги иқтисодий мавзуда ёзувчи журналистлар кенгаши раиси.**

1. Матбуотимизни янада ривожлантириш уфқини қайси ўлчамларда кўрасиз?
2. Ўзбек матбуотида танқид қандай ўрин тутиши керак деб ўйлайсиз?
3. Иш фаолиятингиздан қониқасизми?



Гапни "Қашқадарё" газетаси таҳририятидаги истиқлол йилларида амалга оширилаётган муҳим ўзгаришлардан бошласам.

Журналистларимиз эски усулдан воз кечишиб, ҳаётни бўямасдан бор борича тасвирлашга, ҳаққоний, холис ёритишга, таққослашга, холис муносабат билдиришга, таҳлил қилишга, танқидий фикрни ҳам ётиғи билан, оғир ботмайдиган қилиб айтишга, далиллар орқали асослашга, конструктив ечимни таклиф қилишга ўрганишди.

Газета тилининг жонли, табиий, самимий, жозибали, равон ва ўткир бўлиши учун астойдил интила бошладик.

Президент фармонлари, қонунлар, ҳукумат ва вилоят ҳокими қарорлари ижроси, уларнинг самараси, одамларнинг қувонч ва ташвишлари, орзу-интилишлари, кундалик юмушлари асосий мавзуимизга айланди.

Истеъдодли, билимли, малакали, маҳоратли, интилувчан, қатъиятли журналистлар мунтазам равишда рағбатлантирилиб борилди.

Жамоатчи мухбирлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилди. Уларга мунтазам равишда буюртмалар бериладиган, мақолалари доимий равишда газетада чоп этиладиган бўлди.

Газетада юз берган ижобий ўзгаришлар муштарийларни бефарқ қолдирмади. Обуначиларимиз сони ой сайин кўпайиб, газета адади изчил ошди. Қоғоз ҳам олинди, бошқа зарур материаллар ҳам. Ойлик маош ҳам, қалам ҳақи ҳам, мукофотлар ҳам мунтазам бериб борилди. Бу ишлар, албатта, жамоанинг руҳини кўтариб юборди. Энг асосийси энди ҳар ким истеъдодига, билимига, тажрибасига, маҳоратига, интилишига, қатъияти, ташаббускорлигига мос равишда рағбат кўра бошлади. Адолат ва холислик бош тамойилимизга айланди.

Мамлакатимизда биринчи бўлиб, 2007 йилда "Қашқадарё" газетаси таҳририяти жамоаси журналистика соҳасидаги "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танловнинг Бош совринига сазовор бўлди. Бу ҳам меҳнатимиз, изланишимиз ўз натижаси, деб ўйлайман.

Энди ўзингиз ўйланг. Ҳар бир журналист, ҳар бир ижодий жамоа изланса, муваффақиятта эришиши тайин. Чунки мамлакатимизда ОАВ ходимларининг эркин фаолият кўрсатишлари учун ҳамма шарт-шароит яратилган. Президентимиз ҳамиша ОАВ ходимларига юксак ғамхўрлик кўрсатиб, қўллаб-қувватлаб турибди.

Мухтасар қилиб айтганда, "Ўзбекистон матбуотини янада ривожлантириш уфқи ўлчамлари ўзимизда, ўз жамоамизда, ўзимизнинг ҳаракатимизда, интилишимизда, билим ва истеъдодимизда эканига яққол ишондик.

**2.** Эндиликда танқиднинг шакли-шамойили, ёзилиш услуби бошқача бўлиши лозим. Аслида танқиддан мақсад нима? Яхшиликми? Шундай экан танқид ўз мавридида, ётиғи билан бўлса, ҳеч кимда эътирозга ўрин қолмайди. Ғаразгўйлик қилинибди, асоссиз ёзилибди, деган шубҳа-гумон бўлмайди. Танқид таҳлилий, асосли, мантиқли, конструктив ечимли, таклиф амалий, мухбир муносабати холис бўлса, дўстингиз қойил қолиб, душманингиз ҳам тан олади. Ўз тажрибамизда бунга ишонч ҳосил қилганмиз.

**3.** Одам ўз ишидан завқланиши керак. Тўғри, кўнгилдан ҳамиша ундай эмас, бундай қилсак, янада яхшироқ бўларкан, деган фикр доимо ўтиб туради. Бу табиий.

Мамлакатимиздаги ўсиш, ўзгариш, тараққиётга айни чоғда жаҳоннинг ҳаваси келмоқда. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотларнинг ўзбек моделини амалга оширишнинг кенг кўламли самараларини бутун дунё эътироф этмоқда. Ишонаманки, ҳадемай Ўзбекистон матбуоти шу даражада ривожланадики, бу парвоз кўламини тасаввур қилишнинг ўзи осон эмас.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**"Қашқадарё" газетаси бош муҳаррири**

---

ТАНЛОВ

## ҲАЯЖОНЛИ ЛАҲЗАЛАР ОЛДИНДА



Бугун мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ривожига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг ташаббуси билан 2006 йилдан буён Журналистика соҳасида «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлов ўтказилиб келинаётгани нафақат журналистлар ҳаётида, балки юртимиздаги оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Журналистларга билдирилаётган бундай юксак ишонч Ватанимиздаги ҳар бир қалам аҳлини руҳан юксалтириб, улкан ижодий парвозларга чорламоқда. Танлов оммавий ахборот воситаларининг барча турлари – телевидение, радио, матбуот ва интернет нашри бўйича ўтказилади. Унинг битта номинацияси чет эл журналистлари учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Олтин қалам» Миллий мукофоти ташкилий қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов бошқарган йиғилишда таъкидланганидек, «Олтин қалам» Миллий мукофоти халқаро танлови журналистларни фаоллаштириш, малака ва маҳоратларини ошириш, рағбатлантириш, шу йўл билан миллий журналистикамизни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Йиғилишда «Олтин қалам» V Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиблари ва совриндорларини тантанали тақдирлаш маросимини ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Бу йилги танловда 450 нафардан ортиқ журналист олти минг етти юзга яқин ижодий иш билан иштирок этмоқда.

Танлов ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими жорий йилнинг 14 май куни «Туркистон» саройида бўлиб ўтади. Изланувчан ижодкорларнинг юксак фахрига айланаётган «Олтин қалам»нинг бу йилги парвози янада баланд бўлишига ишонамиз.

**ДУНЁЗОДА**

---

НУҚТАИ НАЗАР

## "КЎНГИЛОЧАР" ГАЗЕТАЛАР КЎНГИЛОЧАРМИ?

Жаҳон оммавий ахборот воситалари тизимида "сариқ матбуот" ёки "кўнгилочар газеталар"нинг чоп қилинишини яхши биламиз. Бироқ чоп этилаётган бу каби нашрлар, ўз савиясига кўра, юртдошларимиз талабларига жавоб берадими?! "Кўнгилочар" газеталар, уларда босилаётган беҳаё суратлар бизнинг, сизнинг кўнгилимизни олаяптими? Йўқ, албатта.

Ҳозирги пайтда қайси матбуот дўконига борманг, бундай газеталар тахланиб ётибди.

Мен атайин "кўнгилочар" газеталарнинг тахланиб ётгани ҳақида сўрадим.

У бироз жиғибийрон бўлиб:

— Бу газеталар кимга ҳам керак?! Тағин саҳифалари 50-60 бетга боради. Баъзан теледастур борлиги ва кроссворд ечиш учун айрим муштарийлар олишади. Матбуот — бу миллат қалбининг кўзгуси, тарбия воситаси.

— Ўқишли дейишади-ку... Шу ростми?

Бу нашрларда кўпинча енгилтак аёл, номард йигит, уқувсиз орган ходими, тарбия бера олмаган ота-она, уддабурон "қўшмачи", фирибгар ака ёки опалар ҳақида гап кетади. Уларнинг бир-бирларини алдаши, номуссизликлари...

Жамиятни янада эркинлаштириш, Ўзбекистонни жаҳоннинг энг илғор давлатлар қаторига олиб чиқишга қаратилган бугунги теран ислоҳотларимиз жараёнида ОАВ ролига алоҳида эътибор берилаётгани бежиз эмас.

Биз буюк миллат, назарли халқмиз. Иймон-эътиқодимиз бутун, истиқболни, келажаги буюк давлатни яратаётган ўзбекмиз. Шундай экан, "кўнгилочар" газеталардаги олди-қочди гаплар кимга керак? Ахир газета бўлгач, у турли ёшдаги юзлаб, минглаб ўқувчиларнинг қўлига етади. Келажаги порлоқ, баркамол бўлишига интилаётганимиз — ўғил-қизларимиз ўқиб, ундан нимани ўрганади-ю, нимага интилади?

Шу ўринда Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асаридаги "Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва маъсулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин", — деган пурмаъно фикрлари журналистлар учун ҳам муҳим дастуриламал эканини яна бир бор таъкидлашни лозим, деб топдик.

**Карим НОРМАТОВ**

---

## ФАХРИЙ ЖУРНАЛИСТЛАР ЭЪЗОЗДА

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда бир неча йиллардан бери 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситаларида фаолият юритган иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва мамлакатимиз матбуоти ривожига ҳисса қўшган меҳнат фахрийларини шарафлаш, уларнинг фаолиятларини ёшларга намуна қилиб кўрсатиш мақсадида "Инсон — азиз, хотира — муқаддас" мавзуида учрашувлар ўтказиб келмоқда. Жорий йилда ҳам ушбу хайрли ишлар давом эттирилади.

Бу йилги учрашувга Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетлари талабалари таклиф этилиб, фахрий журналистларнинг тажрибаларини ўрганишлари ҳамда устоз-шогирдлик анъанасига хос тарзда соҳадаги ютуқ ва муаммолар борасида фикр алмашишлари кўзда тутилган.

Қолаверса, оммавий ахборот воситаларида узоқ йиллар давомида самарали меҳнат қилган устоз-журналистларга байрам дастурхони ёзилиб, пул мукофотлари ва эсдалик совғалари берилиши режалаштирилган.

**Азим РЎЗИЕВ**

---

НАШР

***Самарқандлик кекса журналист Тоғаймурод Шомуродов қарийб қирқ йилдирки, дастлаб "Пастдарғом ҳақиқати"да, айни кунда эса вилоят ҳокимлигининг "Зарафшон" газетасида қалам тебратиб келмоқда. У киши ҳар икки газетада ҳам иқтисод бўлимини узоқ йиллар бошқарган. Кўҳна Зарафшон воҳасининг ҳар бир гўшаси, далаларини қадамба-қадам кезиб чиққан.***

## КИРОЙИ КИТОБЛАР ШУНДАЙ БЎЛСА

Эл-юрт хизматига камарбаста, дўлвор ва жўмард кишилар билан суҳбат, гурунгларни тонггача давом эттирган. Қишлоқ хўжалигининг пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик ва мева-сабзавотчилик соҳаларини миридан-сиригача биладн. Уни ҳамкасблари ҳазиллашиб, "Журналист-агроном" дейишади.

Тоғаймурод ака жуда хушчақчақ, одамохун киши. Уларнинг одамлар билан тезда тил топишишига сабаб латифаларга ўчлиги, уларни даврадагиларга қойиллатиб айтиб беришида десак, адашмаймиз.

Яқинда у кишининг ҳикоя, ҳажвия, ҳангома ва таржималардан иборат "Хотинидан қўрқмайдиган одам" китоби чоп этилди. Китобнинг ҳажвия ва ҳангомалар бўлимига кирган "Қайнона", "Қўшнилар", "Ҳашар", "Ҳошимбойнинг уйи" каби ихчам битиклари ўта содда, самимий тилда, воқеабанд шаклда ёзилган китобда бундай юморга бой ҳажвия ва ҳангомалар талайгина.

"Ҳаёт ҳикматлари" бўлимидаги ҳикоялар ҳам бевосита муаллифнинг кўрган-кечирган ҳаётий воқеа-ҳодисалари асосида ёзилган. "Таржималар" бўлимида дунёни ларзага келтирган, катта шов-шувга сабаб бўлган воқеа-ҳодисалар содда, зуваласи ҳазилга қорилган ҳолда ҳикоя қилинган.

Бир сўз билан айтганда самарқандлик журналистнинг китоби ўта саводли, ўқишли ёзилгани билан ажралиб туради. Кироийи китоблар шундай бўлса, дея баралла айтгинг келади.

**Лутфулла МАМАСОЛИЕВ**

# ДУНЁДА НИМА ГАП?

## ДАРАКЛАР

### ЭКОЛОГИК ҲАЛОКАТ ХАВФИ



Жорий йилнинг 22 апрель куни Мексика кўрфазида Европадаги энг йирик нефть компанияси "British Petroleum"га қарашли платформада ёнғин бошланган ва орадан 36 соат ўтгач, у чўкиб кетган эди. Натижада 11 нафар денгизчи ҳаётдан кўз юмди, яна бир неча киши турли даражада жароҳат олди. Бугун кўрфаз экологик ҳалокат ёқасида. Платформадан ҳар куни бир миллион литрга яқин нефть сизиб чиқиб, денгизга қуйилмоқда. Қора олтин бир неча юз километр узоқликда бўлган АҚШнинг тўртта штати — Луизиана, Алабама, Миссисипи ва Флорида қирғоқларига тобора яқинлашиб келяпти. Экологларнинг таъкидлашича, ҳалокатдан айниқса, Луизиана штати катта зарар кўриши мумкин. Ўтган куни мамлакат президенти Барак Обама штатга келиб, вазият билан танишди.

"British Petroleum" бош директори Тони Хейворд кўрфазни нефть қолдиқларидан тозалаш учун камида икки-уч ой кетиши мумкинлигини таъкидлади. Шунингдек, у компания барча зарарни тўлашга тайёр эканини ҳам билдирди. Иқтисодчилар кўрфазни тозалашга 4,6 миллиард доллар керак бўлишини айтмоқда.

### ЭНГ ГЎЗАЛ ШАҲАР

"Forbes" журнали ўтказган сўровга кўра, Франция пойтахти Париж дунёдаги энг гўзал шаҳар деб топилди. Сўровда қатнашганлар Эйфель минораси, Елисей майдони, Лувр музейини шаҳарнинг машҳур бинолари, деб аташган. Версаль саройининг меъмори томонидан лойиҳалаштирилган "Ritz" меҳмонхонаси ҳам Парижда жойлашган. Сўровда қатнашганларнинг айтишича, дунёдаги энг гўзал меҳмонхоналардан бири ҳисобланади.

Сўров натижаларига кўра, Канаданинг Ванкувер шаҳри иккинчи, Австралиянинг Сидней шаҳри учинчи ўринни эгаллаган. Улардан кейинги жойларни Италиянинг Флоренция ва Венеция шаҳарлари, Жанубий Африканинг Кейптаун шаҳри ҳамда Япония пойтахти Токио банд этган.



### ЎЗ ХОҲИШИ БИЛАН...



Интерпол томонидан қидирилаётган 85 нафар саудиялик террорчи рўйхатидан жой олган Оқил ал-Мутейра Саудия Арабистони полициясига ўз хоҳиши билан таслим бўлди. У "Ал-Қоида" халқаро террорчилик гуруҳи фаолиятида иштирок этганликда айбланмоқда.

РИА "Новости" хабарига қараганда, 36 ёшли террорчининг иши қонун доирасида кўриб чиқилади. Унинг ўз хоҳиши билан таслим бўлгани гуноҳини енгиллатувчи омил сифатида қабул қилинади.

Саудия Арабистони ички ишлар вазирлигидан олинган маълумотларда қайд этилишича, ал-Мутейра "Ал-Қоида"нинг Ироқдаги террорчилик ҳаракатларида иштирок этган. Манбада айтилишича, у ўз хоҳиши билан таслим бўлган тўртинчи террорчидир.

### СУД АЙБДОР ДЕБ ТОПДИ

Ҳиндистонда 22 ёшли Ажмал Амир Касаба устидан суд жараёни тугади. У 2008 йилнинг ноябрь ойида Мумбайдаги ишбилармонлар марказига ҳужум уюштиришда иштирок этган.

Суд уни Ҳиндистонга қарши ҳарбий юриш қилишда, кўплаб тинч аҳолининг ўлимига сабабчи бўлишда, портловчи моддаларни сақлашда айбдор деб топди.

Эслатиб ўтамиз: ўша террорчилик акти пайтида 58 киши ҳалок бўлган, 100 нафардан кўпроқ киши тан жароҳати олган эди. Жангарилардан эса фақат Ажмал Амир омон қолган ва қўлга тушганди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Покистон фуқароси бўлган Амирни ўлим жазоси кутмоқда.



### КЎЧАДА ЁТГАН ПУЛ

Колумбиянинг шимолидаги қишлоқлардан бирида яшовчи одамлар йўлдан қути топиб олишди. Улар бунда портловчи модда бўлса керак, деган тахмин билан полицияга хабар беришди. Воқеа жойига етиб келган полициячилар қутини очиб кўриб, ҳайратда қолишди. қутида 41,8 миллион доллар (82 миллион пессо) пул бор эди.




Хабарларга қараганда, ҳозирча қути эгаси топилгани йўқ. Колумбиянинг Сукра департаменти полицияси бошлиғи полковник Хорхе Агуделонинг айтишича, пул шу ҳудудда фаолият кўрсатаётган жиноий гуруҳларга тегишли бўлиши мумкин.

### ЗАҲАРЛИ ҚУРБАҚАНИНГ ФОЙДАСИ

Австралия яқин вақтда Хитойга заҳарли қамиш қурбақаси экспортини бошлайди. Бу қурбақалар яшил қитъага ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида Австралия шимолидаги шакарқамишларга зиён етказаётган зараркунанда қўнғизларга қарши курашиш учун олиб келинган эди. Аммо улар қитъа экотизимига жиддий зарар етказа бошлади. Қурбақа заҳаридан ҳозирча инсонлар ҳаётдан кўз юммаган бўлса-да, кўплаб тимсоҳлар, илонлар, қушлар, Динго кучуклари қирилиб кетди. Қурбақанинг захри шунчалик ўткирки, 15 дақиқада ҳар қандай жониворнинг юрагини тўхтатиб қўяди.

Биологларнинг таъкидлашларича, Хитойда бу қурбақалар анъанавий тиббиётда ишлатилади. Унинг токсинлари юрак қувватини оширади, пешоб ҳайдовчи, тиш оғриғини қолдирувчи восита ҳисобланади.

Хитойда махсус қурбақа овловчи гуруҳлар бор. Улар қурбақаларни карбонат ангидрид гази билан ўлдиради ва қуритиб доривор ўсимликларга аралаштиради.

### АҚШДА СУВ ТОШҚИНЛАРИ

АҚШнинг Теннесси ва Миссисипи штатларида бир неча кундан буён кучли ёмғир ёғмоқда. Натижада сув тошқинлари юзага келиб, 15 киши ҳаётдан кўз юмди. ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, табиий офат туфайли кўплаб уйлар қулаб тушган, йўллар бузилиб кетган. Теннессида икки кунда рекорд даражадаги ёмғир



ёққан. Зарар кўрганларга ёрдам бериш учун миллий гвардия аскарлари жалб этилди.

Минглаб одамлар уйларини ташлаб, махсус қутқарув жойларига йўл олмоқда. Биргина Теннесси штатида 20 та махсус қутқарув жойлари барпо этилди. Аҳолига сув тошқинидан ташқари қуюн ҳам хавф солмоқда. Ўтган ҳафтада Арканзасда кўтарилган қуюн туфайли бир киши ҳаётдан кўз юмди, 20 киши тан жароҳати олди.

### МАҲБУСНИНГ ТАЛАБИ ҚОНДИРИЛДИ



Буюк Британия Олий суди 41 ёшли собиқ маҳбус Райан Жоржнинг талабини қондириш тўғрисида қарор чиқарди. Райан қамоқхонада кароватидан қулаб тушгани ва оғир тан жароҳати олгани учун мамлакат Ички ишлар вазирлигидан товон пули талаб қилганди. Суд қарорига биноан Ички ишлар вазирлиги собиқ маҳбусга 4,7 миллион фунт стерлинг (7,3 миллион доллар) компенсация тўлайди. Бундан ташқари умрининг охиригача даволанишига кетадиган харажатлар ҳам вазирлик ҳисобидан қопланади.

The Telegraph газетасининг ёзишича, Райан Жорж 1997 йили ўғирликда айбланиб, тўрт ой муддатга қамалган. У қамоқда ётган пайтда кароватнинг сифатсизлиги туфайли ундан йиқилган ва оғир тан жароҳати олган. Энг асосийси, қамоқхонада унга сифатли тиббий ёрдам кўрсатилмаган. Ишни ўрганиб чиққан судья маҳбуснинг оғир бетоб бўлиб қолишида қамоқхона маъмурияти 85 фоиз айбдор эканини исботлади.

### КЕМАЛАР ҲАЛОКАТИ

Кучли бўрон кўтарилгани боис Сариқ денгизда саккизта кема чўкиб кетди. ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, 29 нафар денгизчи қутқариб олинган. Қолганларнинг тақдири номаълум.




Кемалар ҳалокати Хитойнинг Шандун музофоти қирғоқларига яқин жойда содир бўлди. Музофотнинг денгизда қутқарув ишларини олиб борадиган хизмати бошлиғи ўринбосари Сюй Цзэнфунинг айтишича, денгизда шамолнинг тезлиги соатига 100 километрни ташкил этган. "Биз иккита юк кемаси ва олтита балиқчилар кемаси ҳалокатга учрагани ҳақида маълумотга эгамиз", — деди у.

Ҳалокатга учраганларга ёрдам бериш учун Хитой қирғоқ қўшинларининг вертолёт ва кемалари жалб этилди. Бундан ташқари, ҳалокат содир бўлган туманда шамол пасаймагунча йўловчи кемалар ҳаракати тўхтатиб қўйилди.

**Интернет хабарлари асосида Нодирбек ШОМУРОДОВ тайёрлади**

Элликқалъа тумани халқ таълими бўлими жамоаси



*9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан барча ватандошларимизни табриклайди!*



Осмонимиз доим мусаффо, халқимиз соғ-омон бўлсин! Юртимиз янада гуллаб-яшнайверсин!



Тахтакўпир тумани халқ таълими бўлими жамоаси

*Барчамизнинг хонадонларимиздан файзу барака аримасин! Дастурхонларимиз тўкин, ҳаётимиз фаровон бўлсин, азиз юртдошлар!*



*яқинлашиб келаётган* **9 май — Хотира ва қадрлаш куни** *байрами билан юртимиз аҳлини ва меҳмонларини қутлайди!*

TURON BANK

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

ТУРОНБАНК

2010 ЙИЛНИНГ «БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУЙИДАГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ.

| ОМОНАТ ТУРИ | МУДДАТИ | ФОИЗИ | АСОСИЙ ШАРТИ | ИЗОҲ |
|---|---|---|---|---|
| МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА: | | | | |
| «18 ёшгача» | камида 5 йил муддатга | йиллик 14 % | Омонат қўшимча омонат киритиш ҳуқуқи билан. болалар учун мўлжалланган. Омонатчи 18 ёшга тўлганида тўланади. | |
| «16 ёшгача бўлган болалар учун» | | йиллик 14 % | Омонат ота-оналар томонидан 16 ёшгача бўлган фарзандлари номига очилади. Омонат боланинг 16 ёшга тўлгунига қадар сақланади. | Ота-оналар томонидан қўшимча маблағлар киритилиши мумкин. Маблағлар қисман тўлаб берилмайди. |
| ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА: | | | | |
| «MEROS» | 12 ойдан кам бўлмаган муддатда | йиллик 7% | Омонат 16 ёшга тўлмаган болалар номига очилади. Омонат омонатчига 16 ёшга тўлганида тўланади. Йиллик капитализация ишлатилади | Омонат АҚШ долларида очилади. |

ОАТ Туронбанкда қўйилган омонатларнинг қайтарилиб берилиши давлат томонидан 100% кафолатланган.

Ўзбекистон Республикасининг банк фаолиятига оид қонунчилигида омонатчиларни суғурталаш ва фуқароларнинг омонатларини кафолатлаш фондини ташкил этиш кўрсатиб ўтилган. Ушбу фонд банк тизимининг барқарорлигини таъминлаб, фуқароларнинг омонатлари қайтариб берилишини таъминлайди.

ОАТ Туронбанк ўз омонатчиларига банк сирига амал қилинишини кафолатлайди. Шунингдек, омонатга қўйилган маблағларнинг омонат муддати тугаши билан қайтарилишини таъминлайди.



*Қўшимча маълумотлар учун:* ***+99897 700-55-55*** *ёки* ***www.turonbank.uz*** *сайтига мурожаат қилишингиз мумкин.*

ЭКОЛОГИЯ

# ДАРАХТЛАР ВА ОДАМЛАР:

## фойда, зарар

*Қадим-қадимдан шаҳар ва қишлоқларнинг марказлари хушманзара дарахтлар билан безатилади. Улар мева бермаса ҳам қуёш нурини тўсиб, бу масканларни салқин қилиши, шамолдан ҳимоялаши, ўзига хос гўзаллик касб этиши ва энг муҳими кислород ишлаб чиқариши билан фойдали. Лекин дарахтлар бажарадиган вазифа шулар билангина чегараланиб қолмайди. Масалан, XVIII асрда Австралияда инглизлар деҳқончилик қилиш учун ботқоқликларни қуритиш мақсадида акация дарахтидан фойдаланганлар. Вояга етган бир туп акация бир кунда қирқ литр сувни буғлайди. Кейинчалик уни деҳқончилик қилинадиган ерларнинг атрофига экиш расм бўлган. Акация чорвачилик фермаларидан тараладиган бадбўй ҳидларни ҳам йўқотар экан.*



Юртимизда Мирзачўл, Фарғона, Қарши чўллари ўзлаштирилганда, у ерларга тол, қайрағоч, терак, чинор экиб шамол эрозиясига қарши ихоталаштирилганди. Лекин баъзан илм-фанга мурожаат қилмасдан, дарахтларнинг кўр-кўрона экиб юборилгани оқибатида уларнинг инсон соғлигига раҳна солган ҳолатларга ҳам кўҳна тарих гувоҳ.

1928 йили Франция ҳукумати чинор экишни тақиқлаб, шаҳар ва қишлоқлардаги чинорларни қирқтирган. Чинорга қушлар ин қурмаслиги табиатшуносларнинг диққатини тортади ва улар тадқиқот ўтказиб, чинор тирик организм учун ниҳоятда зарарли эканини аниқлаганлар.

Ер юзида кўп тарқалган ўсимликлардан бири теракдир. Бу дарахт манзарали бўлиши билан бирга ажойиб қурилишбоп материал саналади. Унинг жуда кўп тури мавжуд бўлиб, Фарғона водийсида мирзатерак, бақатерак, кўктерак каби бир неча тури қадимдан экиб келинган. Лекин кейинги йилларда Американинг Калифорния штатида яратилган гибрид — "Калифорния тераги", айниқса, унинг "Тошкент" нави кўп экилмоқда. Аммо теракнинг бу нави инсон саломатлигига жиддий путур етказиши билан ажралиб туради.

Шу ўринда айрим ўсимликларнинг навларини кўпайтириш қандай нохуш оқибатларга олиб келгани тўғрисидаги тарихий ҳақиқатга тўхталсак. Ўтган асрнинг бошида Австралияга кактуслар оиласига мансуб опунция бетони деб аталадиган бутали ўсимлик намунаси олиб келиб экиб кўрилган. Бу ўсимлик дастлаб Янги Жанубий Уэльс провинциясида кўпайтирилган. Бу беор ўсимлик бўлиб, тез ўсади ва ҳар қандай табиий иқлимга мослаша олади. Фермерлар ерларининг атрофига уни қаламча қилиб экишни бошлаб юборадилар. Опунция баланд бўйли, тиконли, зич тўсиқ ҳосил қилиб, ҳеч нарса ўтолмайдиган девор вазифасини бажарган. Шундан кейин бу ўсимлик савдоси қизиб, фермерларга катта фойда келтира бошлаган. Улар бундан хурсанд бўлиб, ўсимликни кўпайтиришни янада жадаллаштирганлар. Афсуски, ўтган асрнинг 90-йилларига келиб у ўта зарарли бегона ўсимлик экани аён бўлади. Бутун мамлакатда шиддат билан кўпайиб кетгани учун барча уни йўқотишга киришади. Лекин одамлар қанча уриниб, кўп маблағ сарфласа ҳам уни йўқота олишмайди. У борган сари фермерларнинг яйловларини эгаллаб кетаверади. Австралияликлар бунга қарши чора тополмай, гангиб қоладилар. Шунда энтимологлар Африкадан "коктоболис которум" ҳашаротини олиб келиб, қўйиб юборишади. Бу беминнат капалаклар одамлар заҳарли моддалар сепиб ёки ўт қўйиб ёққанларида ҳам тугата олмаган опунция ўсимлигини қириб ташлашади.

Энди "Калифорния тераги" ҳақида гапирадиган бўлсак, ўтган асрнинг 60-йилларида яратилган бу навли терак бошқа дарахтларга нисбатан жуда тез ўсиши, сувни буғлантириш миқдорининг катталиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ундан одатда ботқоқларни тез тугатиш мақсадида фойдаланилган. Аммо экологлар бу теракнинг одамлар саломатлигига катта зарар келтиришини аниқлаганларидан кейин аҳоли яшайдиган жойларга уни экмаслик, экилганини кесиб ташлаш кераклигини тавсия қилдилар ва ҳатто шунга оид қонун ишлаб чиқишга эришилди.

Хўш, "Калифорния тераги" ва тоғ тераги қандай касалликлар келтириб чиқаради ва зарари нимада? Бу тераклар табиатнинг насл қолдириш қонунига асосан атрофга уруғ тарқатади, лекин бу уруғ унмайди. Уруғ тарқатиш беш ёшга етган уруғчи тераклларда мавжуд бўлади. Бу уруғ майда момиққа ўралган бўлиб, момиқ заррачалари одамзот саломатлигига зарарлидир. Бунинг оқибатида юқори нафас йўлларининг аллергик хасталиклари — ринит, конъюктивит, бронхит, бронхиал астма келиб чиқиши кузатилган. "Калифорния тераги" гуллаган вақтда ҳафақон хасталигига чалинган беморлар ҳаво етишмаслиги оқибатида оғир аҳволга тушадилар. Бу болалар саломатлигига ҳам катта зарар кўрсатади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам "Калифорния тераги"ни етиштиришга қизиқиш ниҳоятда ортди. Наманган вилоятининг Норин тумани дарё бўйидаги пасттекисликларда жойлашган. Ер ости сизот сувлари ер юзасига жуда яқин. Ўтган асрларда бу ерлар ботқоқликлардан иборат бўлган. Пиллачилик ривожлана бошлагандан кейин кенг тутзорлар барпо қилишга киришилди. Тут одамларга катта фойда келтириб, ипак қурти боқишда, ерларнинг захини қочиришда муҳим омил сифатида хизмат қилди. Бугунга келиб эса катта-катта тутзорлар йўқолиб бормоқда. Одамлар фойда кўриш мақсадида "Калифорния тераги"ни кўплаб эка бошлашди.

Норин туманидаги Ҳаққулобод шаҳри бозор ва майдонлари март-май ойларида "Калифорния тераги" кўчати билан тўлиб-тошади. Андижон вилоятининг Избоскан ва Балиқчи туманлари аҳолиси ҳам унинг ниҳолларини айнан шу ердан харид қилишади. Йилига бу бозорда 2-3 миллион туп терак сотилса, мевали дарахт кўчатлари бунинг юздан бирига ҳам тўғри келмайди. Ана энди бу кўчатлар катта дарахтга айлангач, неча минглаб болалар ва одамларнинг хасталанишини ҳисоблаб кўраверинг. Ҳатто боғдорчилик хўжаликлари ҳам мева ўрнига терак кўчати етиштириб сотиб даромад топиш пайида. Шоли экиладиган ерларни ҳам терак плантациялари эгалламоқда. Хомчўт қилиб кўрадиган бўлсак, биргина туманда 1500 гектар атрофидаги майдонга терак кўчати экилгани аён бўлади. Айниқса, мактабларнинг ҳудудларида бундай тераклар кўп экилган.

Яқинда Ҳаққулобод шаҳрига бордик. Туман поликлиникаси, стоматология поликлиникаси, марказий шифохона ва бошқа кўплаб биноларнинг ҳовлисида "Калифорния тераги" экилганини кўрдик. Албатта, ёғоч керак. Шундай экан қарағай, арча, япон сафораси, каштан дарахтлари экилса яхши эмасми, деган ўй ўтди хаёлимиздан. Бу дарахтлар кўп кислород ишлаб чиқариши билан ҳам фойдалидир.

Хулоса шуки, атроф-муҳитнинг соғломлигини асраш инсонлар саломатлиги, қолаверса, келажак авлоднинг баркамоллигини таъминлашнинг асосий омилидир. Бунга эса ҳамма бирдек масъул эканини ҳис қилиши керак.

**Расулжон АБДУМАЖИДОВ,**
**иқтисодчи олим,**
**Йўлдош ИСОҚЖОНОВ,**
**журналист**

ЭЪТИРОФ

# "МУҲАББАТ ЎТИДАН ЮРАК ТИТРОҒИ"

Дунёга донғи кетган Бухоройи шарифда эл ардоғига сазовор бўлган шоир ва ёзувчилар бисёр. «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби, шоир ва драматург Бахшулла Ражаб ҳам халқ суйган адиблардан бири. Шу вақтга қадар бу ижодкорнинг ўндан ортиқ китоблари нашр этилди, драмалари театрларда саҳналаштирилди. Кейинги уч йилда унинг "Туғёндаги туйғулар", "Орзуларнинг ойдин осмони" ва "Қувончимнинг қайрилмас қанотлари" деб номланган асарлари нашрдан чиқди.

Яқинда бутун умрини вақтли матбуотга ва бадиий ижодга бағишлаган шоир ва драматург Бахшулла Ражаб таваллудининг 60 йиллиги нишонланди. Шоирлар, олимлар, ёзувчилар, журналистлар, маҳаллий ҳокимият вакиллари ва турли касб-кор эгалари тўпланган адабий-бадиий кечани Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилояти бўлими масъул котиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Тошпўлат Аҳмад бошқарди.

Тантанали кечада Бухоро давлат университети профессори, филология фанлари доктори Охунжон Сафаров, шоир ва ёзувчилар Ғулом Шомуродов, Самандар Воҳидов, Жаҳонгир Исмоилов Бахшулла Ражаб ҳаёти ва ижодий фаолиятининг ўзига хос қирралари ҳақида сўзлади.

**Гулчеҳра АШУРОВА**



Бахшулла РАЖАБ

ТЎРТЛИКЛАР

**Сўз қудрати**

Сўз шакардир, сўз — гавҳар,
Сўз заҳардир, сўз — ханжар.
Гоҳ ножўя бир сўздан
Дилинг вайрон, алҳазар!

**Имтиҳон**

Ҳар битта битикда яшар кўз нурим,
Тафаккур шуъласи, қалбим, сурурим.
Эй, азиз шеърхоним, бўлма беписанд,
Сенинг баҳойингга боғлиқ ҳузурим.

**Иқрор**

Эй, дўстим, пок кўнглим эмас дастурхон,
Сирларин ҳаммага этмасман баён.
Каъбам деб билганим кўнгил мулкига
Фақат сен ҳукмрон, фақат сен посбон!

**Сабр таги — олтин**

Шодлик ҳам ўткинчи, қайғу-алам ҳам,
Турланиб туради азалдан олам.
Жаҳолат музларин эритар меҳр,
Буюкдир иккисин ҳазм этган одам.

**Халоскор иймон**

Эътиқод азалдан ақл виждони,
Савоб иш ҳаётнинг метин қўрғони.
Ҳақиқат ортидан юргайдир хато,
Кимки пок, хатодан асрар иймони.

**Моҳият**

Ишқ — кўнгил саҳросин ёриттан офтоб,
Ҳижрон оловида жисму жон кабоб.
Висол шарбатига етолмаса ким,
Саҳройи Кабирдек бахт боғи хароб.

**Ватан тупроғи**

Коинот бонгидир баҳор чақмоғи,
Муҳаббат ўтидан юрак титроғи.
Ёт юртда хору зор кимса кўзига
Сурмаи сулаймон Ватан тупроғи.

ФАОЛИЯТ

# Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш

**Бугунги кунда дунёнинг кўзга кўринган иқтисодчилари Ўзбекистонни жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан энг муваффақиятли чиққан давлатлардан бири сифатида эътироф этмоқда. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини иқтисодиётимизнинг ҳар бир жабҳасида кузатиш мумкин. Шу ўринда жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 7,6 фоизга ўсганини, хорижий инвестициялар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,6 баравар кўп ўзлаштирилганини, техник жиҳатдан модернизациялаш бўйича 29 та лойиҳа амалга оширилганини, кўплаб янги ишлаб чиқариш объектларининг фойдаланишга топширилишини, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг 7 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажми 6,1 фоизга кўпайганини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.**

Жорий йилнинг 16 апрелида Вазирлар Маҳкамасининг бўлиб ўтган мажлисида 2010 йилда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга доир 418 та лойиҳа бўйича объектларнинг фойдаланишга топширилиши таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, 2010 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш дастурининг амалга оширилиши таҳлил қилинди.

Мамлакатимиз раҳбарияти юқори малакали кадрлар тайёрлашга йўналтирилган таълим тизимига, фармацевтика, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, банк-молия каби соҳалар ривожига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳозирги кунда дунё бўйлаб кузатилаётган глобал молиявий инқироз кўпгина мамлакатлар иқтисодиётини танг аҳволга солиб қўймоқда. Биргина мисол. Айни пайтда Американинг энг йирик нефть компанияларидан бири "Cheron"да 60 мингдан ортиқ киши меҳнат қилади. Жорий йилда компания 2 мингта яқин ходимини ишдан бўшатишни режага киритган. Чунки компания ўтган йилни 10,48 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар билан якунлади. Бошқа бир қатор давлатларда ҳам шунга ўхшаш ҳолатларни кўришимиз мумкин.

Энди Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотига назар ташласак. Ўтган йили айнан инқироз туфайли дунё бўйича 212 миллион киши иш жойидан ажралган. Шулардан 10,2 миллион нафарини ёш ходимлар ташкил қилади. Ишсизлик даражаси 6,6 фоизга кўтарилган.

Юқоридаги ҳолатни кўриб, биз ёшлар мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсатни жипс бўлиб қўллаб-қувватлаб, юртимиз ривожига ўз ҳиссамизни қўшишга интилишимиз зарур. Биз ёшларга, ёш тадбиркорларга ажратилаётган кредитларнинг таҳлилига назар ташласак, катта ютуқларни кўришимиз мумкин. Масалан, биргина "Агробанк" Жиззах вилояти бошқармасининг саъй-ҳаракатлари билан вилоятнинг чекка қишлоқ ҳудудларида хотин-қизлар раҳбарлигида кўплаб тадбиркорлик субъектлари пайдо бўляпти. Ўтган йили тадбиркор аёлларга 1 миллиард 88 миллион сўм миқдорида микромолиявий хизматлар кўрсатилгани, жорий йилда эса 276 нафар тадбиркор аёлга 1 миллиард 308,5 миллион сўм миқдорида кредит ажратилгани ҳам бу борадаги ишлар нечоғли катта эканини кўрсатади. Бу рақамлар — биргина Жиззах вилояти мисолида. Агар бутун Ўзбекистон миқёсида оладиган бўлсак, инқироз даврида ютуқларимиз бошқа давлатларга нисбатан анча яхши эканига гувоҳ бўлиш мумкин.

**Улуғбек ИМОМОВ,**
**Тошкент давлат аграр университети аспиранти**

**"Манзур транс сервис"**
МЧЖ Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов, Юнусобод, Чилонзор туманларида яшовчи "D" категорияли ҳайдовчиларни ишга таклиф этади.



*Мурожаат учун телефон: 188-40-50*

ТАКЛИФ

Она диёримиз кундан-кун ободонлашиб, кўркига-кўрк қўшилаётганидан кўнгил яйрайди. Айниқса, табиат гуллаётган ушбу мавсумда юртнинг қайси гўшасини кезманг, шу заминга дахлдорлик сururидан юракда шукроналик ҳиссини туясиз.



# Маржонбулоқ: ўз номига муносиб бўлса...

Хабарингиз бор, 1967 йилда Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидаги Маржонбулоқ қишлоғида кон топилган. Орадан кўп ўтмай, ҳозирги маъданларни қайта ишлайдиган корхона — Маржонбулоқ кон бошқармаси ишга тушди. Жорий йилда Навоий тоғ-кон комбинатининг жанубий конлар бошқармасига қарашли ушбу корхона иш бошлаганига 30 йил тўлади.

Менинг истиқлол йилларида сурур билан яшаб, меҳнат қилаётган шу юртнинг жонкуяр фарзанди, тоғ-кон соҳасининг инженери сифатида бир орзу-истагим бор. Маржонбулоқ шаҳарчаси марказини ободонлаштириш, унинг қиёфасини қайта таъмирлаш лойиҳаси эрта-ю, кеч кўз ўнгимдан кетмайди. Шаҳарчанинг бир томонида уруш ва меҳнат фахрийларининг "Маржон суви" сиҳатгоҳи жойлашган. Иккинчи томони шаҳарча маркази бўлиб, у ерда Маржонбулоқ кон бошқармаси ишга тушганда ўрнатилган гранит тош, турар жойлар ва турли ташкилотларнинг бинолари. Икки томон ўртасида темир йўл бор.

Мен фахрийлар сиҳатгоҳи билан шаҳарча марказини туташтирувчи усти ёпиқ, баланд кўприк қурилишини истардим. Чунки шифобахш суви туфайли сиҳатгоҳда дам олаётганлар сони тобора ортиб бормоқда. Улар шаҳарча марказига чиқишлари учун анча вақт сарфлаб, темир йўлни айланиб ўтадилар.

Яна шуниси муҳимки, гранит тош ўрнатилган очиқ майдонда миллий боғ барпо этилса, мақсадга мувофиқ иш бўларди. Бу жойда спорт ўйинлари ва турли тадбирлар ўтказиладиган усти очиқ иншоотлар бунёд этилса, уруш ва меҳнат фахрийлари, шаҳарча аҳли учун чойхона, сайр хиёбонлари қурилса маржонбулоқликларнинг айни кўнглидаги орзуси рўёбга чиқарди. Мен ҳар гал бу юртнинг фаоллари билан суҳбатлашганимда, ўз гўшасини обод ва кўркам кўриш нияти уларнинг узоқ йиллик орзу-истаги эканини ҳис этаман.

Ушбу масканда жойлашган илғор корхона ва ташкилотлар фидойиларининг Маржонбулоқни ўз номига мос кўркам масканга айлантиришларига ишонаман. Зеро, бу ҳудудда Жиззах вилоятининг, қолаверса, диёримиз Ўзбекистоннинг энг юртпарвар ва халқпарвар ўғлонлари, ўз саъй-ҳаракатлари билан республикамиз равнақига муносиб улуш қўшаётган инсонлар меҳнат қиладилар.

**Мирза АБДУСАЛОМОВ,**
**"Ўзранглиметаллойиҳа" институтининг тоғ-кон бўлими етакчи инженери**

БАДИА

# ТИНЧЛИККА ТАЪЗИМ ҚИЛ

Инсон ҳамиша тинчликка ташна бўлиб, тинчликни қўмсаб яшайди. Ҳар тонг тинч уйғонишни истайди. У тинчликка қуёшга талпингандай талпинади. Шу боис ҳамиша тинчликка таъзим қилишни муқаддас бурч, деб билади. Тинчликни бошига тож қилади.

Шоир ёзганидек:

*Ер оҳиста кезар экан самода,*
*Тинчлик деган зўр неъматга бош эгдим...*

— Бешикда ётган гўдакларнинг осмондай тиниқ кўзларида, беғубор ва пок кулгиларида нима акс этган?

— Тинчлик!

— Оналарнинг аллаларида, ҳар кунги илтижоларида, оталарнинг энг ёрқин орзу-тилакларида нима мужассам?

— Тинчлик!

— Боболарнинг дуолари-ю момоларнинг ўланларида айтиладиган биринчи сўз нима?

— Тинчлик!

Тоғнинг улкан чўққисида турган бургутга ҳам, полапонларига тумшуғида сув келтираётган қалдирғочга ҳам тинчлик керак. Сувдаги балиқ ҳам тинчлик истайди. Табиат тинчлик билан барҳаёт, у туфайли гуллаб-яшнайди.

Ҳар бир даврнинг, замоннинг ўз балоси бўлганидек, бугунги тинч ва осойишта дунёда ҳам хунук дахмаза бўй кўрсатди. У терроризм бўлиб, офат ва кулфатлар ўчоғига айланди. XX аср тарихда атом асри, дея қайд этилган бўлса, XXI аср бошланишиданоқ терроризм диний экстремистик гуруҳларнинг ёвуз қуроли сифатида тинч диёрларни бузишга, осойишта юракларга ғулғула солишга ҳаракат қилмоқда.

Жаҳолат илдиз отган жойда тинчлик кабутари ин қуролмайди. Лекин жаҳолат қанчалар даҳшат солмасин, барибир тинчликнинг шиддатини тўхтатолмайди, унинг йўлига ғов бўлолмайди.

Мустақиллигимизнинг энг улуғ неъматларидан бири — бу, шубҳасиз, тинчлик ва яна тинчликдир. Тинчлик барқарорлашиб, мустаҳкамланиб боргани сари ҳар қандай ҳаётий масалалар ўз-ўзидан ечилиб, жамиятда учрайдиган баъзи камчиликлар барҳам топиб, муаммолар ҳал бўлиб бораверади.

Президентимиз маъруза ва нутқларида халқимиз ва юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, деб қайта-қайта таъкидлайдилар.

Мамлакатимизда бўлаётган улкан ўзгаришлар, юксак тараққиёт замирида тинчлик мужассам. Қадимий обидалар тинчлик туфайли қайта тикланмоқда. Шаҳарлар, қишлоқлар ободлиги, маҳаллалар чиройи — тинчлик, обод, кўркам гўшаларда яшаш, ўқиш, ишлаш тинчликдандир. Қурилаётган равон йўллар, улкан иншоотлар, гўзал боғлар, ҳашаматли кўприклар тинчликка хизмат қилаяпти. Кўчаларда одамлар бир-бирларининг эмас, гўё тинчликнинг қўлларидан ушлаб юргандай эркин кезадилар, тинчлик билан қадам ташлайдилар, тинчлик осмонидан нафас оладилар.

*Сўзлардаги ҳароратда тинчлик бор.*
*Кўзлардаги жасоратда тинчлик бор.*
*Тинчлик учун фидойилик бурчимиз,*
*Юзлардаги нафосатда тинчлик бор.*

Далаларда тинчлик шамоли эсади. Бу шамол бизга мўл ҳосил хирмонларини ҳадя этади. Деҳқоннинг, боғбоннинг ва чўпоннинг ҳам асосий нияти — тинчлик. Юртимизда ҳамиша тинчлик бўлишидан нафақат ўзбекистонликлар, балки узоқ-яқин давлатлар ҳам манфаатдордир. Тинчлик қўшниларнинг бир-бирига меҳрини оширади, дўстлигини мустаҳкамлайди, улар ўртасида фаровонликни, бағрикенгликни таъминлайди.

Навоий вилоятида бўлган фаоллар учрашувида кўпни кўрган бир отахон шундай деди: "Бозордаги, дўконлардаги маҳсулотларнинг, буюмларнинг нархини биламиз. Айтинглар-чи, тинчликнинг баҳоси қанча? Бир кунлик, бир ойлик ёки бир йиллик тинчликнинг нархи қанча туради? Тинчликнинг баҳоси борми?!."

Юртбошимиз ўзининг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида ёзганидек: "Бежиз эмаски, юртимиздаги қайси хонадонга кирсанг, қандай йиғин ёки маърака бўлмасин, фотиҳага қўл очилганда ёшу қари, эркагу аёл — барчамиз Яратгандан тинчлик ва осойишталикни сўраб дуо қиламиз".

Азиз дўстлар, тинчлик дарахтини, аввало, ўз қалбимизга экайлик. Сўнг ҳовлимизга, маҳалла ва қишлоғимизга экайлик. Бу муқаддас дарахтнинг ҳаётбахш кўчатларини Ватан бағрига қадайлик. Унинг мустаҳкам илдизлари, улкан шохлари, ям-яшил барглари дунёни тутсин, тинчликсеварлар қалбини забт этсин.

Тинчлик дарахти!

Ҳуда-беҳудага бу дарахтга тегмайлик, бўлар-бўлмасга унинг шохларини синдирмайлик, баргларини беҳуда тўкмайлик. Уни ҳамиша онамизни, фарзандларимизни Ватанимизни асрагандай асрайлик.

**Ашурали ЖЎРАЕВ**

ДАЛДА

# Телетомоша

Ишдан чарчаб уйга келдим. Уй кийимларимни алмаштиргач, телевизорни ёқдим. Унда 1937 йилги қатағонга бағишланган фильм кўрсатилаётган экан.

Чекка тоғ қишлоғи. Лой кўчанинг бошида қора рангли машина кўринди. У ёғоч дарвозали уй олдида тўхтаб, ичидан икки киши тушди ва дарвозани тақиллатди. Ҳовлидан чиққан оила бошлиғи келганлар билан ниманидир муҳокама этиб, ярим соатча тортишди. Ёш боласини қўлига кўтарганча кўчага чиқиб, гап нимадалигини суриштирган аёлга давлат ходими вазиятни қисқа баён қилди. Аёл кўзида ёш билан эрига тикилди. Эр эса вазмин қадам ташлаганча, 6-7 ёшли қизчасини, кейин аёлини қучди, сўнг машинага ўтирди. Ҳайдовчи машинани ўт олдирди. Қизча машина ортидан йиғлаганча кўча бошига қадар югурди ва қоқилиб, лойга йиқилди.

Кўча эшикларидан мўралаётган, дераза пардаларини ёпаётган қўшнилар тасвирдан аста-секин ғойиб бўлдилар...

Дастурни алмаштиргим келди. Кейинги каналда ҳайвонот дунёси ҳақида илмий-оммабоп фильм берилаётган эди. Кичикроқ горилла бир тешикка чўп тиқиб, ундан чиққан чумолиларни териб емоқда. Шу пайт шох-шаббалар орасидан отилиб чиққан қоплон маймун боласига ташланди.Жон талвасасида чинқираётган маймунга қараб турган бошқа маймунлар дастлаб қоплонга қаршилик қилишга ботинолмай бир неча сония дарахт шохларида кузатиб туришди. Кейин бирданига ўнлаб маймунлар қоплонга ташланиб қолди. Бири уни тишлар, бошқалари териси, жунлари ва думидан тортиб, тинчлик бермасди.

Қоплон кучли панжалари билан қанча ҳужум қилмасин, кетма-кет ёпирилаётган чайир жониворларга тенг келолмай, ўзини тўқайзорга урди.

Сўнгра ерда ётган чалажон маймуннинг яқинларидан бир нечтаси унинг тепасига келиб, яраларини навбат билан ялай бошлади. Дарахт шохидагилари эса ўз чинқириқлари билан уларга далда бераётгандек эди...

**Жалолиддин РАВШАН ўғли**

# Глобаллашув жараёнида интеллект ва маънавият

(Бошланиши 1-бетда.)

Улар юқори синф ўқув режасига киритилган информатика дарсига етиб келмасидан интернет халқаро тизимида ўз электрон манзилини очиб, дунёнинг нариги чеккасидаги тенгдоши билан маълумот алмашмоқда.

Катта ёшдагилар ҳали уяли алоқа воситасига тўлиқ ўрганиб улгурмасларидан, маълумотни ҳаво орқали узатувчи "blutooth" дастурини ҳазм қилмасларидан, бугунги ёшлар "super blutooth"лар орқали бировларнинг уяли телефонини бошқаришни, ҳатто бутунлай нотаниш кишининг телефони хотирасига кириб, расм ва шунга ўхшаш турли маълумотларни олишни, ҳатто кимларгадир телефон қилишни ҳам ўзлаштириб улгуришган.

Бугун уяли алоқа воситалари ўз вазифасидан ҳам кўра маълумот сақловчи аппарат ролини қойилмақом қилиб амалга ошираяпти. Сабаби унга ўрнатилган тирноқ учи катталигидаги "флешка"ларга ҳатто юзлаб турли видео кадрларни ёзиш мумкин. Афсуски, бу кадрларни киприк қоқмасдан, ҳеч бир сесканишсиз, беҳис, беибо томоша қилаётган ёшларни кўриб, уларнинг маънавияти инқирозга юз тутмасмикан, деган хавотирга тушасан, киши.

Яна бир гап. Боланинг қобилияти қанчалик тараққий этган бўлмасин, жамиятга фойдаси тегмас экан, бундай қобилиятни жамият тан олмайди. Қобилият маънавият билан бирга келганда, у истеъдод сифатида тан олинади. Маънавият қобилиятни етаклайди.

Шахснинг олий хислатлари унинг қобилиятини юзага чиқаради. Қобилияти паст бўлса ҳам маънавияти баланд инсонлар жамиятга фойда келтирадилар. Лекин афсуски, компьютер тармоқларида "хаккер" бўлиб улгурган аксарият ёшларнинг маънавияти муаммоли. Биргина мисол, компьютер дастурларини издан чиқарадиган вируслар ҳам шунчаки пайдо бўлиб қоладиган нарса эмас, улар ҳам қайсидир "хаккер" томонидан яратилган бузғунчи дастурдир.

Агар масалага юқоридаги қоидадан келиб чиқиб ёндашадиган бўлсак, бу каби "олимлар"нинг қобилияти жамиятга фойда эмас, фақат зарар келтиради. Бир неча йил олдин Германияда пул ишлаб чиқарадиган мукаммал аппарат ихтиро қилган иккита талаба йигит ҳукумат томонидан "ихтирочи" эмас, балки жиноятчи деб топилганди. Шундай экан, қайси соҳада бўлмасин ўзининг интеллектуал салоҳиятини намойиш қилаётган ёшларимиздан юксак маънавият ҳам талаб этилади. Юксак маънавиятгина қобилиятни, истеъдодни фақат эзгу ишлар, хайрли мақсадлар сари сафарбар қилади. Президентимиз ўзининг "Юксак маънавият — енгилмас куч" номли асарида бу хусусда алоҳида тўхталиб ўтганлар.

Ёшларнинг "оммавий маданият"нинг бу каби кўринишларига тақлид қилишини глобаллашувнинг маънавиятимизга қилаётган пинҳона тажовузи сифатида баҳолаш тўғри бўларди. Психологияда бундай тақлидга интилаётган ёшлар онгини "онгсизлик ҳолати" деб изоҳлашади. Бунда "оммавий маданият" асосчилари — хориж бизнесменларининг ҳам ҳиссалари катта. Улар ишлаб чиқараётган "маданият товарлари" ўзида СПИД, гиёҳванд моддалар, табиатдаги катаклизмлар, йирик техноген ҳалокатлар, терроризм, агрессия, даҳшат, эротика каби мавзуларни мужассамлаштирган. Ушбу воқеликдаги сюжетлар инсоннинг, асосан ёшларнинг онгига таъсир этади. Психоаналитика назарияси бўйича ушбу онг остидаги маълумот жамиятдаги қонун-қоидалар, одоб-ахлоқ меъёрлари сабабли онгсизлик соҳасига сиқиб чиқарилади, аммо йўқолиб кетмайди. Бу таъсир инсон фаолиятига сездирмай раҳна солиб туради. Яъни шахс фаолиятида баъзан онг эмас, онгсизлик фаолияти етакчи роль ўйнаши ҳам кузатилади. Аммо, нима бўлгандаям, ҳар бир ташқи таъсирга нисбатан ҳимоя механизмини шакллантириш ўз қўлимизда.

**Бобомурод РЎЗИЕВ,**
**ЎзМУ фалсафа факультети талабаси**

ҲА-ЁТ

# ОМОНАТ ДУНЁ

Яқинда қўшнимиз Розия хола оламдан ўтди. Қош қорайганига қарамай, тор кўчамиздан одамларнинг кети узилмасди. Марҳуманинг дарвозаси олдида, тавозеъда турган қўшнилар сафидаман. Улар маънодор шивирлаб қўйишади:

— Роса келишаяптими?

— Оқил ака катта бир идоранинг бошлиғи бўлса. Келишади-да, унинг ҳурматини қилиб.

— Фозил коммерсантниям туманда танимайдиган одам йўқ.

— Қобил бойвачча деган номи бор кенжа ўғлиниям. Ёр-биродарлари кўп. Анави "иномарка"ларга бир қара!

Қалбимнинг аллақаерида оғриқ сезган ҳолда хаёлга ботаман. Одамлар, одамлар... Оломон икки кун бурун Розия холанинг бу дунёда борлигидан хабардормиди? Лекин манзилини сўроқлаб келишаяпти. Марҳумани ёд этиб, ҳурматини бажо келтириш, таъзияхона эгаларига ҳамдардлик билдириш, кўнгил сўраш эзгу таомил.

Сўнгги йилларда тор кўчамиз бунчалар одамни кўрмаганди. Розия холанинг номи эҳтиром ила тилга олинаяпти. "Раҳматига олган бўлсин!"

Жаннати аёл энди орамизда йўқ. Маҳаллада ҳурмати баланд эди. Лекин жанозасида одамнинг шунчалар кўп бўлиши... Дилим вайрон, ақлим ҳайрон: "Ўлимидан кейингина эсга тушиб, маълум муддатгина қадр топаркан-да, одамзод, хола..."

Азиятли андишалар гирдобида эканим бесабабмас: тириклигида ҳатто ўз жигарлари унинг бор-йўқлигини унутиб қўйишганди-ку?

Турмуш ўртоғи бевақт вафот этди. Уч ўғил, бир қизни еру кўкка ишонмай ўстирди. Ўқитди, одам қилди. Ҳозир ҳар бирининг тўрт томонда қасрдек уй-жойи бор. Қуда-андалар билан бир жойга тўпланишса, нақ бир маҳалла бўлади. Лекин жигарбандлар холадан хабар олгани кам келишарди. Оддийгина ҳовлида, хароба уйларда, кўзи нури дийдалар йўлига нигорон ҳолда умр сафари поёнига етди.

Туманда биттаман, деб юрган ўғиллар маъракани ўша оддийгина ҳовли, хароба уйда ўтказишаяпти, деб ўйламанг. Кампирнинг ҳовли-жойи ҳозир бутунлай ўзгарган. Кампир реанимацияга тушди-ю, бу ерда таъмирлаш ишлари бошланиб кетди. Усталаргаям балли. Бир ҳафта ичида... Туну кун ишлашди-да, ўзлариям.

Атрофни тун пардаси қоплаган, лекин марҳуманинг ҳовлиси чароғон. Эслардан чиққан, сокин харобазорда уй эгаси оламдан ўтгач, ҳаёт (мажозий маънодамас, асл маънода) қайнаяпти. Наҳотки фарзандлари шуни — Розия холанинг абадий манзил сари йўл олишини кутиб туришган бўлса?!.

... Хола бир куни намозшом пайтида маъюс ҳолда уйимизга келди:

— Болажоним, уйда чироқ йўқ. Ўғиллар "Уста жўнатаман", — деб ваъда беришди. Ўзим ҳам Юсуф монтёрникига илтимос билан бордим. Аммо...

— Қоронғида ўтирибман, денг?

— Уч кундан бери. Гўрдай уйда бўлганимча бўлдим, Муҳсин болам, сен электрнинг у ёқ-бу ёғини тушунасанми?

— Юринг-чи, — дея у билан йўлга тушдим. Нима дейишни ҳам, нима қилишни ҳам билмайман.

Розия хола дарвоза ёнгинасида жойлашган лой деворли уйнинг эшигини очди. Ёниқ шам атрофга заиф шуъла сочар, ҳужра қандайдир ғарибхонани эсга солар, уйнинг аҳволидан холанинг хижолат чекаётгани яққол билиниб турарди:

— Бу охирги шам. Ёниб адо бўлса, қоронғида нима қиламан, деб шошганча ўрин солгандим, — маҳзун жилмайди хола. — Қани, бу ёққа кир, болам.

— Холажон, керакмас, — остонада турдим. Ним қоронғу хонага разм солдим: деворнинг сувоқлари кўчиб тушган. Раҳматли эридан қолган шу эски, заҳ, ҳавоси оғир уйда умрини ўтказарди хола. Сўрадим:

— Бир ўзимман, денг?

— Ҳа. Неварам, Лола кеп турарди. Қоронғи уйда қўрқаман, бувижон, деб у ҳам келмай қўйди. Қизим зўрлаб опкетмоқчи бўлувди, кўнмадим. Шу ерда тинч нафас оламан-да, болажоним...

Ичимни нимадир тирнади. "Шунча жигарлари бўла туриб танҳо. Зимзиё ҳовлида бир ўзи!"

— Созлаймиз электрингизни, холажон, лекин эртага, — дедим атрофга аланглаб. Устунга қоқилган михда электр лампочкаси осиғлиқ эди.

— Эртага?

— Бу кеча келинингиз билан ётасиз. Кетдик.

Ҳол-жонига қўймай холани уйга олиб келдим. Эртаси куни эрталаб Юсуф монтёрникига бордим. Йўқ демади. Бир зумлик иш экан — ҳисоблагич ичидаги қандайдир қисмча алмашилгач, чироқ ёнди. Холанинг кўзлари ҳам чарақлаб кетди, назаримда.

...Чойнак кўтариб меҳмонхона томон йўл оламан. Уй тўла одам. Остонада турган Оқил ака:

— Дастурхонга марҳамат, биродарлар, — ширинсўзлик қилади даврага қараб. — Оптуринглар. Кампирнинг ёшига етказсин ҳаммамизни. Шу ёшда кетиш — тўй. Шунақамасми?

Тўнғич фарзанднинг юзида беғамликни кўриб, титраб кетаман. "Ҳа, ўлим ҳақ. Розия хола ёш кетмади. Лекин ҳали яшаши, фарзандлари, неваралари роҳатини кўриши мумкин эди-ку! Қандай кўнглингиз, тилингиз боради шундай дейишга, Оқил ака? Онаизорингизнинг шу ёшда кетиши сизнинг тасаввурингизда... тўйми?"

Алам-изтиробларимни жиловлаш учун ташқарига чиқаман. "Умрингиз узоқ бўлсин, Оқил ака!"

Нигоҳим Фозил акага тушади: бир йигитчанинг кўмагида қозиққа ҳисори қўйни бойлаяпти. Бировнинг: — Жа семиз эканми? — дейиши эшитилади-ю, овоз келган томонга ўгириламан — туядек қўйга ҳавас билан қараётган одамларга.

— Фалон пул экан-да ўзиям, — дейди иккинчиси оғзи қулоғида.

— Фалон пул, фалон пул... Ҳа-да, пулни аяб ўтиришнинг мавридимас.

Икки йигит қоп орқалаб, омборхонага кираяпти. Чунғара гуручи.

— Эртага неча кило дамлаймиз, ака?

— Кўрамиз. Маслаҳатлашамиз. Лекин етиб-ортиши керак, укажон.

Хаёл исканжасидаман тағин. Кўз ўнгимда Розия хола. "Бир ҳовуч, бир ҳовучгина шундай гуручдан ош қилиб ейиш, холажон..." Кўксимдан хўрсиниқ отилиб чиқади. "Эҳ, қанийди тириклигингизда..."

Ўғиллар ҳамон маслаҳатлашишмоқда. Яна нима, нима қилиш керак? Одамларнинг ҳавас билан "Маърака ўтказиш мундоқ бўпти" — дейиши учун тағин нима ишлар қилмоқ зарур?

Хизматчилар елиб-югуради. Ичкарига кирмай қайтмоқчи бўлаётганларга: — Йўқ, йўқ, ичкарига. Бир пиёла чой...

Нonвойлар ҳам тиним билишмайди. Саватларда ҳозиргина келтирилган иссиқ нонларнинг ҳиди ... ниманидир эсимга солди...

Розия хола, қўлида рўмолга ўралган иккита иссиққина нонни кўтариб, уйимизга кириб келганди.

— Нон кўтариб келдингизми, хола? — ажабланиб сўради пешвоз чиққан рафиқам.

— Нонингизни кўп еганман, Мавсумажон. Энди... янги тандирнинг нони-да.

— Янги тандир, дейсизми? Вой, муборак бўлсин!

— Қуллуқ!

Розия хола — рафиқам билан онаболадек бўлиб қолганди. Меҳр билан "Муҳсин ўғлим", — дерди мениям. Учовимиз чойхўрлик қилаяпмиз.

— Ширмой нонингиз мазали бўпти, холажон, — дедим иссиқ нондан ер эканман.

— Ҳа, нонингиз ширин чиқибди, — деди Мавсума ҳам.

Хола нонни қўлига олиб:

— Қаранг, тандирнинг кесакчалари ёпишган, — деди хижолатомуз. Ва афсусланган ҳолда қўшиб қўйди: — Тандирнинг лойи яхши пишмаган кўринади. Ўзим сотиб олган тандир бутунлай бошқача эди.

— Ўзим сотиб олган тандир? — қизиқсинди аёлим.

— Ҳа, қизим. Бундан бир ойча олдин ўзим тандир сотиб олган эдим, — кўнглини очди хола. — Тандирфуруш, худо хайрини берсин, ўзи ҳовлимга кўтариб кириб, айвондаги беҳавотир жойга — офтобрўяга жойлади. Ўрнатиш керак, лекин ўғилларим... вақт топишмади. Уларнинг ишлари кўпайиб, эрта-индин деб юрган кенжамнинг уйидан бир аҳволда қайтаётувдим, йўлда уста Шокир дуч кеп қолди. Ниманидир сезгандай аҳвол сўраганди, тандирдан гап очдим. Пешиндан кейин ўзим ўрнатиб бераман, деб ваъда қилди. Шогирди билан келиб, ўрнатиб кетишди. Хурсандлигимдан устани дуо қилиб олов ёқа бошладим. Бемаҳалда ҳовлиққанча Қобил кириб келса бўладими? Тандирни Шокир ўрнатиб берганини эшитиб, жаҳли чиқди. Иккови қачонлардир гап талашиб, юзкўрмас бўлиб кетишган экан. "Келиб-келиб, ўша ярамасга бош эгдингизми, ая?" — дея бир четда ётган кетмонни қўлига олди. Нима ниятдалигини дарҳол пайқаб, йўлини тўсмоқчи бўлдим — бефойда. Тандирни кетмон билан урди ва бор кучини сарфлаб майдалаб ташлади. Тандир ичидаги чўғлар сочилиб кетди. Кимдир менинг бошимга мушт тушираётгандай кўзларимдан олов сачрарди, назаримда. Турган жойимда... Ҳовуридан тушган Қобил, аҳволимга раҳми келди чоғи: "Хафа бўлманг, бошқасини ўрнатиб бераман, — деди. — Эртагаёқ!" Жўнатган одамлари кеча кечқурун тандир кўтариб келишди. Уч-тўрт киши бўлиб ўрнатиб ҳам беришди. Мана, янги тандирда нон ҳам ёпдим. Аммо...

— Бошқачароқмиди аввалгиси? сўради Мавсума.

— Ҳа-да, — кулимсиради хола дастурхондаги нондан кўз узмай. — Бир ойча офтоб еб, роса пишган эди аввалгиси. Лойи пишган тандирнинг нони тобли бўлади. Шунисигаям шукур, — хола табассум қилишга уринар, дилидаги дардни яширар, лекин ичи тўла ҳасрат экани яққол сезилиб турарди. — Боши омон бўлсин мени тандирсиз қолдирмаган боламнинг. Мана, менга нон қилиб бериш ташвишидан сиз ҳам қутулдингиз, қизим.

— Қўйсангиз-чи, хола. Мен...

— Кам бўлманг, қизалоғим. Муҳсин ўғлим билан болаларингизнинг роҳат-фароғатини кўринг.

Хола янги тандирли бўлганди ҳамки, қандайдир хасталик таъсириданми, роҳаткурсига оҳиста чўкаркан: "Хамир қоришга энди ҳолим йўқ", — деди бир куни маъюс оҳангда.

Рафиқам ярим коса иссиқ овқат билан ҳолидан хабар олиб, бир олам дуо оларди.

Қарасак, хола уч-тўрт кило ун олиб келибди. Мавсумага: "Илтимос, гапирманг, — деди илтижо билан. — Нон ёпганингизда, иккита-иккита..."

— Хўп, холажон, хўп.

— Умрингиздан барака топинг!

Холанинг сўнгги марта уйимизга келгани кўз ўнгимда. Кўчага чиқмоқчи бўлиб турганимда ранги ўчган ҳолда остонамизда пайдо бўлди. Қўлида тугунча.

— Тинчликми, холажон?

Бир зум ер чизиб турди-да:

— Шу ерда қолдирсам дегандим, манави омонатни, — деди қўлидагига ишора қилиб. — Мавсума уйдами?

— Йўқ эди-ку, сиз бемалол кираверинг. Ўз уйингиз.

Хола ичкарига кирди, мен чиқиб кетдим. Бошимда минг бир хаёл. "Омонатимни қолдирсам, дедими? Бир гап бўлганга ўхшайди. Ҳа, нимадир бўлган".

Қайтганимда:

— Нонни ким опкелди? — сўради хотиним.

— Нонни? — таажжубландим. — Қанақа нонни?

— Боя Розия холага иккита нон бериб юборгандим. Ўша нонлар...

Нимадир хаёлимда ялт этди, холанинг келиши, қўлида тугунча борлиги эсимга тушди. "Ўшанда қайтариб опкелган экан-да, Мавсума берган иккита нонни. Лекин нега?.."

Кейинроқ ҳаммаси ойдинлашди. Зарофат — Розия холанинг қизи, орамиздаги муносабатни нотўғри тушунибди. "Қўшниникига ҳадеб қорин тўйғазгани боряркансиз, шу ростми? — сўроққа тутибди онасини. — Эшитган қулоқ нима дейди? Ўғилларингизнинг обрўйини бир пул қилмоқчимисиз?!"

Шу пайтда қўшни бола хотиним бериб юборган икки нонни олиб борибди-ю, Зарофат нонни олиб: "Бу нима? — дебди онасига жаҳл билан тикилиб. — Ҳаммаси тўғри экан-да, ая?"

"Мавсума ҳар замон ўзим олиб борган унимдан нон қилиб беради". Ўзини йўқотиб қўйган Зарофат зўрлаб нонни тутқазиб, онани судраганча дарвозагача олиб чиқибди: — Беринг, ҳозироқ қайтариб беринг нонини! Шу ерда қараб тураман. Тез бўлинг!

"Омонати"ни қолдирган Розия хола уйимизга бошқа келмади... Ўша кеча қон босими бирдан кўтарилиб, касалхонага тушди. Аёлим билан хабар олгани бордик. Аммо ёнига киришга рухсат беришмади. Аҳволи оғир эди. Бир ҳафтадан сўнг омонатини топширди.

Аза куни Зарофат ҳовлини бошига кўтариб, дод-фарёд солди.

"Онажон" деб дод солаётган Зарофатга: "Ҳой, Розия холанинг тилла қизи!.." — дегим келди-ю, яна ўзимни тийдим. Лекин абадий уйқуга кетган онахонга, хаёлан: "Бир лаҳзагина кўзингизни очинг, хола!

***Ҳаётлигимдаки, бир этмадинг ёд,***
***Кимга керак энди бу доду фарёд?!***

деб айтинг фарзандларингизга дегим келди!..

* * *

Ана, Зарофат опа — қўли-қўлига тегмайди.

— Сомса, қатлама учун яна бир халта ун керак, — дейди катта акасига. — Олий навдан.

"Бу икки нонни қандай қайтариб бераман?.. Ўшанда онаизорингиз кўнглидан нималар кечдийкин?

Кимдир сомса кўтариб келди-ю, Қобил аканинг кўзи менга тушиб: — Сиз ҳам меҳмонхонага бир киринг, — деди.

Онамдай меҳрибон Розия холани ўйлаб юрак-бағрим қон бўлаётган бир пайтда унинг эркатой кенжаси менинг қорнимнинг ташвишини қилаяпти.

— Эшитмадингизми, ука? Сиз ҳам бир нима еволинг!

— Хўп, — дея узоқлашаман ундан.

Таниш-билишлар қуруқ келмайди. Бу одамгарчилик, меҳр-оқибат белгиси, албатта. Меҳмондорчилик авжида. Шоҳона дастурхон, "хуш келдингиз" "хуш кўрдик"лар...

Атрофга разм соламан. Ҳовли боя айтиб ўтганимдай бутунлай бошқача тус олган. Илгариги лой девор кўринмайди — замонавий ойнаванд айвонлар. Мустаҳкам дераза-эшиклар ишончли "Алсис"дан! Тунларни тонгга улаб, роса тер тўкишибди, барака топкурлар. Қобил ака шўрлик Розия хола реанимацияга тушгач... қурилиш ишларига бош-қош бўлди.

Қишлоқ узра тун чўкаяпти. Лекин таъзияхона кундай ёруғ. Ҳар ёнда чироқлар нур сочаяпти. Кўз ўнгимда Розия хола жонланди: "Уч кундан бери уйда чироқ йўқ. Гўрдай уйда бўлганимча бўлдим, Муҳсин болам."

"Қабрингиз нурга тўлсин, Розия хола!.."

Бошимни кўтараман ва... Ие, хизматчилар гилам кўтариб киришаяптими? Ҳа, Хива гиламлари!.. Бунча гилам нега керак бўлиб қолдийкин? Нима қилмоқчи уларни? Ҳув анча узоқдаги оғилхонанинг ён-атрофи ҳам чирой очиши, кўзи тушиб қолган ошхўрлар кўнглининг қувнаши учун деворга осмоқчи, шекилли.

— Эртанги маъракага мингта нон етармикан?

— Э, мингта нон нима бўлади?

— Дарвоқе, стол-стуллар...

— Ресторандан опкеламиз, ака. Хавотирланманг, ҳаммаси зўр бўлади!

Эртага бўлиб ўтадиган тадбирни ўзимча тасаввур қилиб, ҳаяжонланиб кетаман. Столлар устида турли ширинликлар билан тўлдирилган биллур вазалар, хилма-хил таомлар...

Оқил ака меҳмонларга қарата ўша гапини қайтарармикин? "Олинглар, азизларим, кампирники... тўй."

Аъзойи баданим музлаб кетади. Тўй?!

Яхшиямки, тўнғичингизнинг бу гапини эшитолмайсиз, холажон.

Лекин, хайриятки "Тўйлар муборак!" дейишга ҳеч кимнинг журъати етмайди.

**Муҳаммад ШОДИЙ**

